



## ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ ЎТКАЗИШДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЕКТ ИМКОНИАТЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.

**Джураев Алишер Жонимкулович**

Магистратура ташкилий-тактик бошқарув  
факультети 5-гуруҳ тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19906379>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-aprel 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-aprel 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-aprel 2026 yil

### KEY WORDS

*Сунъий интеллект ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш жараёнида инсон онгига хос бўлган имкониятларни акс эттиради.*

### ABSTRACT

*Сунъий интеллект технологияси ҳаётнинг турли соҳаларида, жумладан, жиноятларни тергов қилишда фойдаланишни тақозо этмоқда. Ушбу технологиядан тергов жараёнида фойдаланиш жиноятчиларни аниқлаш, жиноятларни очиш, ва жиноятчилик шаклларини таҳлил қилишда самарадорлик ва аниқликни оширишга қаратилган.*

Сунъий интеллект технологияси ҳаётнинг турли соҳаларида, жумладан, жиноятларни тергов қилишда фойдаланишни тақозо этмоқда. Ушбу технологиядан тергов жараёнида фойдаланиш жиноятчиларни аниқлаш, жиноятларни очиш, ва жиноятчилик шаклларини таҳлил қилишда самарадорлик ва аниқликни оширишга қаратилган. Асосан, сунъий интеллект чуқур ва тизимли маълумотларни таҳлил қилиш қобилиятига эга, бу эса жиноятларни тергов қилишда жуда муҳим ҳисобланади. Сунъий интеллектдан фойдаланиш нафақат вақтни тежайди, балки визуал идентификациялашда инсон хатоси эҳтимолини ҳам камайтиради. Биринчи бўлиб сунъий интеллект атамаси 1956 йилда Стэнфорд университети (АҚШ) томонидан тақдир қилинган. Сунъий интеллектдан (СИ) илк бор фойдаланиш мақсадлари асосан мураккаб ҳисоб-китобларни тезлаштириш, кодларни ечиш ва мантиқий вазифаларни бажаришга қаратилган.

*Сунъий интеллект — бу компьютер фанининг мустақил тармоғи бўлиб, инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган ақли машиналар йиғиндиси.*

Сунъий интеллект ёрдамида маълумотларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш жараёнида инсон онгига хос бўлган имкониятларни акс эттиради. АИ компьютер тизимларининг инсон интеллектуал фаолиятига ўхшаш жараёнларни бажариш қобилиятини англатади. Бу жараёнлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маълумотларни топиш
2. Маълумотларга ишлов бериш
3. Муаммоларни ҳал қилиш

Сунъий интелект маълумотлар асосида жиноятларни тергов қилиш, жиноятларни аниқлаш, таҳлил қилиш, суд ва тергов органларидан яширинган шахсларни қидириб топиш ҳамда жиноятларни фош қилиш ва исбот қилиш жараёнларини янада такомиллаштириш имконини беради.

Биринчи марта сунъий интелект 2010-йилдан бошлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётига босқичма-босқич кириб келган ва қуйидаги йўналишларда жиноят ишларини тергов қилишда фойдаланилган.

Сунъий интелект биринчи бўлиб катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) таҳлил қилиш, юзни таниш тизимлари (facial recognition) ва овозни таҳлил қилиш орқали жиноятларни фош этишда қўлланилган.

Дастлабки кенг кўламли қўлланилиши кузатув камераларидаги тасвирларни автоматик таҳлил қилиш ва гумонланувчиларни юзидан таниб олиш тизимларида кузатилган.

Сунъий интелект ёрдамида жиноят содир этилиши мумкин бўлган жой ва вақтни олдиндан айтиб бериш (масалан, АКШ, Буюк Британияда) амалиёти кенг тарқалди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикасида жиноятларни тергов қилишда сунъий интелектни жорий этиш масалалари фаол ўрганилмоқда.

Техника ва технологиялар имконияти ривожланиб боргани сари ҳар соҳасда сунъий интелект имкониятларидан кенг фойдаланиш йўлга қуйилди. Бу борада мамлакатимизда сунъий интелект имкониятларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 17-февралдаги ПҚ-4996-сонли “Сунъий интелект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-августдаги ПҚ-5234-сонли “Сунъий интелект технологияларидан фойдаланишнинг махсус режимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 21-июндаги ПҚ-229-сонли “Рақамли суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 14-октябрдаги ПҚ-358-сонли “2030-йилгача сунъий интелект технологияларини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ишлаб чиқилди. Ушбу ҳуқуқий асослар сунъий интелект имкониятларидан фойдаланишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга хизмат қилади.

Жиноятларни тергов қилишда сунъий интелектга асосланган махсус дастурлар ёрдамида овозни матнга, матнни овозга айлантириш, маълумотларни жамлаш орқали уни бирор бир ҳужжат шаклига келтириш, видео тасвирлардаги маълумотларни аниқлаштириш юзни аниқлаш ва рақамли далилларни таҳлил қилиш имкони мавжуд. Шу билан бирга жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари натижаларини стенограмма шаклида қайд этишни аниқлик билан амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари, аудио, фото ва видео ёзувлардаги маълумотларни матнга айлантириш орқали процессуал ҳужжатларни тайёрлаш самарадорлигини оширади. Сунъий интелектдан фойдаланиш орқали жиноят ишига бевосита алоқадор бўлган

катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш ва процессуал ҳаракат натижаларини қайд этиш мумкин. Масалан, ҳужжатларни кўздан кечириш каби тергов ҳаракатида сунъий интелект технологиялари электрон ва қоғоз шаклидаги ҳужжатлар матнларини қайта ишлаш имконини беради. Жиноятларни тергов қилишда сунъий интелект асосидаги автотўлдириш дастури терговчининг ишини осонлаштиради ва тезлаштиради, умумий реқвизитларни автоматик тўлдириш, хатоларни тузатиш ва баённомани тўғри расмийлаштиришга ёрдам беради.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар ўтказишда сунъий интелект имкониятларидан фойдаланишда процессуал тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этишни талаб этилади. Жиноятларни тергов қилиш жараёнида суриштирувчи ва терговчи сунъий интелект имкониятларидан фойдаланишда ЖПКда белгиланган талабларга тўлиқ риоя қилиши шарт. ЖПКда процессуал ҳаракатларини ўтказиш ва баённомаларни қайд этишда белгиланган тартиб қоидаларнинг муҳимлиги сунъий интелект имкониятлари учун шароит яратишга йўл қуймайди. Сунъий интелект имкониятларидан жиноят ишларини тергов қилишда кенг фойдаланиш юзасидан олимлар томонидан турли хил фикр ва мулоҳазалар баён қилинган. Жумладан, О.В.Гладышева таъкидлаганидек, “тергов ҳаракатларини соддалаштириш тенденцияси ҳалигача уларга таъсир кўрсатмади”. О.Н.Ковалева, Л.В.Рябова ва Н.Ф.Феодоридиснинг фикрларига кўра, жиноят процессида сунъий интелектни қўллашнинг асосий принципи бўлиши кераклиги юзасидан фикрларини билдирган.

Ушбу принциплар жиноят процессида белгиланган принциплар билан уйғун бўлиши лозимлиги асослантилган.

Жиноят ишларини тергов қилиш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда сунъий интелект технологияларини амалиётда қўллаш салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Суриштирувчи ва терговчи ҳар доим техник мвосита имкониятларида фойдаланишда ЖПКда белгиланган талабларга тўлиқ риоя этишлари шартлигини инобатга олиши лозим. Шу билан бирга жиноятларни тергов қилишда сунъий интелект технологияларни жорий қилиш ҳукумат томонидан маълум миқдорда маблағ ажратилишини талаб қилади. Бироқ, жиноятларни тергов қилиш жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларни соддалаштиришда сунъий интелект технологияларидан фойдаланиш жараёнини ЖПК нормалари билан мустахкамлаш мақсадга мувофиқ. ЖПК нормаларида сунъий интелект имкониятларидан жиноят ишларини тергов қилишда фойдаланиш билан боғлиқ қоидалар қуйидаги жараёнларни ўтказишга имкон беради.

Сунъий интелект гумон қилинувчини ташқи қиёфалари орқали автоматик равишда аниқлаш имконини беради ва видео кузатув материалларини қайта ишлайди ва натижада гумон қилинувчини каерда эканлигини аниқлаш имконини беради.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда далилларни қидириб топиш, жиноят жойида топилган излар ва нарсаларни автоматик равишда аниқлаш ва таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин. Ҳодиса содир бўлган жойдаги жиноятга алоқадор барча далилларни ҳужжатлаштиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга жиноятларни тергов қилиш жараёнида сунъий интелект имкониятларидан фойдаланиш ва жиноят ишларни тергов қилишда фактик маълумотларна топиш, олиш ва қайд этишда жиноят процессуал кодексда белгиланган

қоидаларга тўлиқ риоя қилишда суриштирувчи, терговчиларни сунъий интелект билан ишлаш куникмаларини шакллантириш муҳимлигини инобатга олиб шу соҳадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва уларни ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бошқа муҳим соҳаларда бўлгани каби, Ўзбекистон Республикасида ҳам жиноятларни тергов қилишда ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда сунъий интелект имкониятларидан фойдаланиш суриштирувчи, терговчи учун ёрдамчи восита сифатида жиноят ишларини тергов қилишда ва процессуал ҳаракатларни ўтказишни соддалаштиришга имконият яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://www.lex.uz/acts/35869>
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси // [Электронный ресурс]. – <https://www.lex.uz/acts/111460>.
3. Использование искусственного интеллекта в работе следователя <https://conf.siblu.ru/ispolzovanie-iskusstvennogo-intellekta-v-rabote-sledovatelya>.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интелект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ–358-сон қарори // <https://www.lex.uz/uz/docs/7158604>.
5. “Суд процестарларида сунъий интелектни жорий қилиш бўйича Республиканинг илмий-амалий конференцияси” // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси расмий сайти – <https://proacademy.uz/yen/news/>
6. Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Автореферат. дисс. ...фан доктори (DSc). –Ташкент, 2018.
7. Кабанов П.А. Современная криминология: структура, методика и тенденции развития: учебное пособие. Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2018. 125 с